ҒАЛАБА БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

9 май, сешанба, 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 88 (1090)

## ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

### ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД



***Фашизм устидан Буюк Ғалаба қозонилганига роппа-роса 50 йил тўлди. Бу ғалаба бутун инсоният тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Бошқа халқлар қатори ўзбекистонликлар ҳам ғалаба учун мардона курашган эди. Улар ўз жонини аямасдан, Иккинчи жаҳон урушининг барча жабҳасида душман билан қаҳрамонона жанг қилди. Жангчилар қони ва жони эвазига келган мукофотлар бунинг яққол далилидир.***

Ўзбекистоннинг 170 мингдан ортиқ вакили орден ва медаллар билан мукофотланган. Шулардан 338 кишига қаҳрамон унвони берилган, 53 киши эса «Шуҳрат» орденининг тўла кавалери бўлган. Биз улар кўрсатган жасорат олдида бош эгамиз, фронт ортида фидокорона меҳнати билан ғалабани якунлаштиришга муносиб ҳисса қўшган кишиларга юксак эҳтиромимизни билдирамиз. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг жанг майдонларида ҳалок бўлган оталаримиз ва оғаларимиз хотираси олдида бош эгиб, уларнинг қаҳрамонлигини фахр билан ёдлаб, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз экани тўғрисидаги гапи айни ҳақиқатдир.

8 май куни республикамизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлди.

Майдон байрамона безатилган, баҳор шабадаси байроқларни ҳилпиратиб турибди, ёрқин тантанали шиорлар диққатни жалб этади.

Меҳмонлар учун ажратилган жойдан ҳукумат аъзолари, республика Олий Мажлиси депутатлари, вилоятларнинг ҳокимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, Тошкентдаги меҳнат жамоалари аъзолари ўрин олган.

Ўзбекистондаги дипломатик корпус вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳам шу ерда.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакат Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов, республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Ўзбекистон Бош вазири Абдулҳошим Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, 1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва республика Бош вазирининг ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳукумат минбарига чиқиб келишади.

Майдонда буйруқ садолари эшитилади. Бу ҳарбий параднинг бошланишидан дарак эди. Ҳарбий парадни Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов қабул қилади. Мудофаа вазирининг ўринбосари, Тошкент гарнизони бошлиғи, парад қўмондони генерал-майор Қаҳрамон Абдуллаев вазирга қўшинларнинг тантанали маршга тайёр экани тўғрисида рапорт беради.

Мудофаа вазири сафга тизилган бўлинмаларни айланиб чиқади, ҳарбийлар билан саломлашади, сўнгра қўшинларнинг ҳарбий парадга тайёрлиги ҳақида Ўзбекистон Президенти, мамлакат Қуролли Кучлари Бош қўмондони Ислом Каримовга рапорт беради. Мудофаа вазири ҳукумат минбарига кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди.

Парадни ҳаётини ҳарбий хизматга бағишлашга аҳд қилган ёш дўмбирачиларнинг қўшма ротаси бошлаб беради. Дўмбира зарблари парад оҳанги, қўшинлар ва ҳарбий техника сафларининг майдондан ўтиш йўсинини аниқлагандай бўлади.

Дўмбирачилардан сўнг майдондан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар байроғи остида Мудофаа вазирлиги зобитлари, Тошкент гарнизонининг қисмлари ва ҳарбий ўқув юртларининг қўшма батальони чиройли саф тортиб ўтади.

Улар сафида зобитлар корпусининг энг яхши намояндалари, республика мукофотларига сазовор бўлганлар, байналмилалчи жангчилар — хуллас аскарларга моҳирлик билан сабоқ бераётган, ватан ҳимоячиларининг ҳарбий анъаналарини муносиб равишда давом эттираётган ҳарбийлар бор эди.

Бу — Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин республикамиз пойтахтида ўтказилган биринчи ҳарбий параддир. Армиямиз давлатимиз хавфсизлигининг муҳим кафолати ҳисобланади. Унинг сафида чуқур ҳарбий билимга, зарур маънавий-руҳий тайёргарликка, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган зобитлар хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ёшларнинг кўпчилиги ҳарбий мутахассисликни эгаллашга, ватаннинг ҳақиқий ҳимоячилари бўлишга интилмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганидан кейин зобитлар корпусидаги миллий кадрлар сони ўн марта ошди.

... Зобитлар батальонидан кейин майдонга мустақил Ўзбекистоннинг дастлаб ташкил этилган ҳарбий кучлари — миллий гвардия бўлинмалари кириб келади.

Шундан сўнг республика ҳарбий билим юртлари етакчиси — Тошкент олий умумқўшин зобитларини тайёрлаш билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади. Мазкур билим юрти Ўзбекистондаги энг кекса ҳарбий ўқув даргоҳидир. Бу йил у ўзининг 77 йиллигини нишонлайди. Билим юрти ташкил этилганидан бери бу ерда турли ихтисосдаги 25 минг зобит тайёрланган. Уруш йилларида бу билим юртида таҳсил кўрган 48 кишига юксак қаҳрамонлик унвони берилган.

Навбат Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларига келади. Бу ўқув даргоҳи бугунги кунда энг замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа зобитлари, танкчилар, десантчиларни тайёрламоқда.

Танкчилардан кейин майдондан Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, республика Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти курсантлари саф тортиб ўтади.

Шундан кейин тантанали сафни чегарачи денгизчилар, ҳарбий десант қўшинлари ҳамда республика Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари вакиллари давом эттиради. Аскарларнинг очиқ ва жасур чеҳрасига назар ташлаган кишида ватанимиз хавфсизлиги ва фуқароларимиз осойишталиги ишончли қўлларда эканига ишонч ҳосил бўлади.

Майдонда моторларнинг сокин, салобатли овози эшитилади — энди армиямиз ихтиёрида бўлган жанговар техниканинг асосий намуналаридан иборат механизациялашган колонна ўта бошлайди. Бронетранспортёрлар, пиёдалар, ва десантчиларнинг жанговар машиналари, танклар, ўзиюрар тўплар, бошқариладиган зенит ракеталари, уруш пайтидаги афсонавий «Катюша»нинг давомчиси — бирданига ўт очувчи «Дўл» ва «Бўрон» реактив тизимлари барчанинг диққатини тортади. Парадда бу қудратли қуролларни энг юксак даражадаги мутахассислар бошқариб боришди.



Мустақил Ўзбекистон тарихидаги биринчи ҳарбий парад ниҳоясига етди. Унинг иштирокчилари эркимиз ва мустақиллигимиз ҳимоясида турган республика Қуролли Кучларининг куч ва қудратини намойиш этди. Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бу тантана Ўзбекистон жангчилари авлодлари ўртасида мавжуд бўлган узвийликни яққол намойиш этди. Ҳозирги зобит ва аскарлар бундан ярим аср муқаддам инсониятга тинчлик ҳадя этган ота-боболарига муносибдир. Бугунги кунда улар кўпмиллатли мамлакатимизда тинчлик ва тотувлик вазиятининг барқарорлигига, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**А. ИВАНОВА.**
**(ЎзА).**

## ДИЁРИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ДОИМО МУСАФФО БЎЛСИН

### ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ БЎЛДИ



Муҳташам саройга 8 май куни урушнинг оловли йилларида жанггоҳларда ҳамда фронт ортида жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатган авлод вакиллари, республика Қуролли Кучлари зобитлари, аскар ва курсантлар, пойтахт жамоатчилиги намояндалари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари ташриф буюрди.

Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов йиғилишни очди. Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Аввало, барчангизни улуғ айём — иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман, деди Президент. Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос руҳи, ўзига хос таъсири бўлади. Аммо Ғалаба байрами бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Бу байрам бизга, бизнинг халқимизга катта қувонч ва мамнуният бахш этиш билан бирга, қалбларимизни изтиробга солади.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бугунги ҳаётимизни, беғубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фахр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ватанимизнинг тўрт юз минг фарзанди, жанг майдонларидан қайтмаганларни, шаҳид бўлганларни, умри хазон бўлганларни чуқур изтироб билан эслаймиз, уларнинг халқимиз юрагидаги ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, фронт орқасида меҳнат қилган фидойи юртдошларимизни, «қора хат» юрагини доғлаган ота-оналарни, гулдай умри хазон бўлган келинчакларни, ота меҳрига тўймаган етим-есирларни эсламасдан иложимиз йўқ.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ҳар биримизнинг дилимиздаги яралар янгиланади. Чунким, юртимизда урушдан жафо чекмаган бирорта хонадон, оила йўқ.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи-покларини доимо хотирамизда сақлаш, сафимизда ҳаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш — барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак, — дея таъкидлади Ислом Каримов.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз: бугун давлатимиз, халқимиз қийин ва оғир ўтиш — тикланиш даврини бошидан кечирмоқда. Лекин қандай бўлмасин, ўзининг ҳаётини ватан ҳимоясига сафарбар қилганларнинг бошини силаб, уларнинг кўнглини чўктирмасдан, норози қилмасдан, керак бўлган барча шароит-имтиёзларни яратишга бугун ҳамма имкониятимиз бор. 23 миллионли халқимиз бор, етарли салоҳиятимиз, куч-қувватимиз бор. Нима, урушда қатнашган 100 минг инсонга ва фронтга ёрдам берган 200 минг кишига шароит туғдиришга қурбимиз етмайдими?

Биз яхши биламизки, ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни миллий ғурур, миллий ифтихор руҳида тарбиялашда, ҳар кунлик ташвишларимизда фахрийларимиз биз учун энг ишончли таянч ва суянчдир.

Бугунги кунларга етиш учун сиз, азиз қарияларимиз қанча жабру жафо чеккансиз,жасорат ва матонат кўрсатгансиз, шунинг учун ҳам, бугунги куннинг қадрига етадиганлар ҳам сиз — кўпни кўрган кексаларсиз.

Яна бир фикрни қатъий таъкидлаш лозим,— деди Президент.— Уруш майдонларида қурбон бўлганларни, ҳаётдан кўз юмганларни — илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин! — ҳаёт тургунча эслаймиз, уларнинг мўътабар хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун осмонимиз мусаффо ва беғубор, халқимиз, юртдошларимиз тинчлик, осойишталик вазиятида яшамоқда, хизмат қилмоқда.

Бундай ҳаётга етиш учун сиз, азизларнинг ҳам ҳиссангиз чексиз. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак.

Тилагим шуки, илоҳим умрингиз узоқ бўлсин, бизнинг бахтимизга, юртимиз бахтига бошингиз омон бўлсин, тану жонингиз соғ бўлсин. Диёримиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, — деди пировардида Ислом Каримов.

Республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. Аҳмедов ўз маърузасида фашизм устидан қозонилган Ғалабага Ўзбекистон қўшган улкан ҳисса, шонли оталаримизнинг қаҳрамонлиги, бугунги кунда улар изидан бориб, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган мутақил ватанимиз Қуролли Кучларининг ҳозирги салоҳияти ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик хусусида тўхталди.

Тантанали маросимда республика Уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси кенгаши раиси Б. Раҳимов, истеъфодаги генерал-полковник П. Шевелёв сўзга чиқиб, уруш даври қийинчиликларини бошдан кечирган авлоднинг ватан олдидаги фидойилиги муносиб тақдирланаётганидан мамнуният изҳор этдилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Буюк Ғалабанинг 50 йиллигини ўтказувчи ташкилот қўмитаси раиси И. Жўрабеков ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Йиғилиш сўнггида санъат усталари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***8 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.***

— Инсониятнинг фашизм балосидан қутилиши йўлида ярим миллион нафарга яқин Ўзбекистон фарзандлари шаҳид кетди, — деди Ислом Каримов сафар олдидан журналистлар саволларига жавоб берар экан. — Оқ сут берган онасини, ота меҳрига тўймаган боласини, азиз ватанини дея омонсиз жангга кирган мардларни, бегуноҳ қурбонларни ёд этмоқ ҳам фарз, ҳам қарздир. Ота-боболари, ака-укалари окопларда бирга жанг қилган турли миллат вакилларининг Буюк Ғалаба куни бирга бўлиши, ўтган оғир кунларни, ғоят қимматга тушган ғалаба нашидасини бирга туйиши ҳам бениҳоя муҳим. Биз Москвада ўтадиган тантаналарда уруш қурбонлари хотирасига, ғалаба билан юртга қайтган жангчиларга яна бир карра эҳтиром билдирмоқ ниятида иштирок этамиз.

Мамлакатимиз раҳбарини аэропортда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

**(ЎзА).**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**6 май куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.**

**Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқарди.**

**Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б. Эшоновнинг иккинчи ўқишда киритилган Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан маърузасини тингладилар. Депутатлар муҳокамасидан сўнг қонун қабул қилинди.**

**Парламент Маъмурий ҳибс жазосига тортилган шахсларни сақлаш юзасидан харажатларни ундириш тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.**

**Иқтисодий ислоҳот ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси А. Йўлдошевнинг маърузасидан сўнг депутатлар республиканинг бир қанча қонунчилик актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритдилар.**

**Депутатлар Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродовнинг маърузасини тинглаб, 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш тўғрисидаги Қонун ҳамда мазкур қонунни кучга киритиш ҳақидаги қарорни муҳокама қилдилар ва уларга ўзгартишлар киритдилар.**

**Сўнгра биринчи ўқишда «Меҳнат шуҳрати» ва «Шоншараф» орденлари тарҳи ва тасвири ҳақидаги низом лойиҳасини муҳокама этдилар ҳамда ушбу ҳужжатларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.**

**Сессияда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси хусусида маъруза қилди. Ҳарбий доктрина лойиҳаси биринчи ўқишда парламент томонидан маъқулланди ҳамда умумхалқ муҳокамасига тавсия этилди.**

**Парламент бир қанча давлатлараро ҳужжатларни кўриб чиқди. Олий Мажлис кейинги вақтда Ўзбекистон билан Польша, Молдова ўртасида тузилган шартномаларни ратификация қилди. Шунингдек, республика бир неча давлатлараро конвенцияларга қўшилди.**

**Парламент инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили қошида инсон ҳуқуқлари ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича комиссия тузди.**

**Сессия котибияти раҳбари М. Ашуров депутатларга меҳнат жамоаларидан, раҳбар шахслар ва айрим фуқаролардан сессия номига келган мурожаатлар ҳақида ахборот берди.**

**Республиканинг олий қонун чиқарувчи органи ўз ваколатига кирувчи бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди.**

**Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини тугатди.**

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### Б. ИБРАГИМОВНИ (МАРҲУМ) «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатганлиги учун Баҳром Ибрагимов (марҳум) «Жасорат» медали билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### З. О. ФАЙЗИЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АҲОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Савдо соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, республика аҳолисини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмасининг раиси Зафар Омонович Файзиевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 май.

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***6 май куни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов ва Ўзбекистон Президентининг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст маҳаллий ва хорижлик журналистлар билан учрашди.***

Ўзбекистон Парламенти Раиси журналистларни Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ иккинчи сессияси якунлари билан таништирди. Сессияда, жумладан, Ислом Каримовнинг Президентлик ваколатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш юзасидан ўтказилган умумхалқ Референдуми якунлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг таркиби, Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринаси, давлат нишонлари тўғрисидаги каби муҳим масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганини таъкидлади.

Шундан сўнг Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

Нукусда 1941—1945 йилларда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги тантаналари уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйиш маросими билан бошланди. Шаҳар марказида уруш ва меҳнат фахрийлари хиёбони очилди.

Кечқурун шаҳардаги санъат саройида тантанали йиғилиш бўлди. Унда Оролбўйи ҳудудидаги барча туманлар вакиллари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, жамоа ташкилотлари, уруш ва меҳнат фахрийлари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков уруш ва меҳнат фахрийларини, барча меҳнаткашларни Ғалабанинг 50 йиллиги билан самимий табриклади.

Мажлис қатнашчиларига қорақалпоғистонлик санъат усталари ижросида катта концерт намойиш қилинди.

# ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



***Эртага бутун Ислом оламида катта байрам — муқаддас Қурбон ҳайити. Эрта тонгданоқ аҳли мўмин масжидларга отланадилар, ибодат билан машғул бўладилар, чиройлик кийиниб, ширинсуханлик билан бир-биридан ҳол-аҳвол сўрайдилар, бетоб ва ногиронларнинг хонадонларига ҳайитлик олиб борадилар. Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара Оллоҳнинг фарзи бўлмиш ҳаж арконини бўйнига олганлар билан тўлиб тошади. Ҳақ йўлида бажариладиган барча саъй-ҳаракатлар кечгача давом этади. Хуллас, бу дунёи дуннинг барча бурчакларида Қурбон ҳайити покланиш, ҳар хил нопок хаёллардан фориғ бўлиш, гуноҳлардан тозаланишу савоб амалларни кўпроқ адо этиш байрами сифатида намоён бўлади. Юртимизда ҳам бу кун ҳар доимгидек шоду хуррамлик билан нишонланишига шубҳа йўқ. Биз ҳайит арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси Абдулғани Абдуллаевдан бу йилги байрам тадориклари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Авваламбор шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ислом дини равнақ топиб, унинг адолатли ва маърифатли ғоялари ҳар бир муслимнинг қалбига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Одамларнинг меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишида, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишида бу диннинг хизмати ҳам бениҳоядир. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, ислом йўлидаги барча тўсиқ ва ғовлар олиб ташланди. Эндиликда муқаддас калом ва оятлар ҳар бир мўмин-мусулмон учун ғоят эъзозли бўлиб бормоқда. Ҳукуматимизнинг бу борада олиб бораётган сиёсатидан ҳаммамиз хурсандмиз. Бугунги кунда юртимизда кўплаб масжидлар ишламоқда, Президентимизнинг фармони олийлари билан исломдаги икки буюк шодиёна — Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Қурбон ҳайити Иброҳим Халилуллоҳ замонларидан буён байрам сифатида нишонланади. Бунга ҳам 1400 йилдан ошди. Шу давр мобайнида бу муқаддас байрамни неча бор қораладилар, кўкдан олиб ерга урдилар. Маълумки, шўро даврида бу ҳайит махфий ўтказиларди, унинг муаззамлиги ошкора қилинмасди. Алҳамдулиллоҳ, бу кунлар орқада қолди. Шу ҳақиқатнинг ўзи ҳам мустақиллик берган улуғ самаранинг нишонасидир. Қолаверса, ҳайит шарофатию, ҳаж муносабати билан республикамизнинг халқаро миқёсдаги обрўси ҳам ошиб бормоқда. Ўтган йили 2700 нафар киши ҳожи бўлиб қайтган эди. Бу йил ҳаж фарзини бажарувчиларнинг сони 3 минггача етди. Шу ўринда ҳам ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги сезилиб турибди.

Ҳажга борувчилар даставвал ўзлари яшаб турган вилоят ҳокимияти қошида ишлаб турган ҳаж ва умра сафари комиссиясига мурожаат қилишади. Кейин уларнинг рўйхати республика миқёсида расмийлаштирилади. Аслида, ҳажга бориш нафақат бу сафарни ихтиёр этганлардан, балки бизнинг қўмитамиздан ҳам катта тайёргарликни талаб этади. Бизнинг вакилларимиз январь ойидаёқ Саудия Арабистонига бориб, шартнома тузиб келишган. Чунки Қурбон ҳайитида бу жойга дунёнинг барча бурчакларидан миллионлаб мусулмлар келишади. Шу туфайли ҳамюртларимизнинг ўзга юртда қийналиб қолмаслиги учун уларга меҳмонхона, озиқ-овқат, қўйингки, барча тиббий ва транспорт хизматларигача ҳозирлаб қўйилади.

Ҳаж, албатта, қурби етганлар учун улуғ фарздир. Аммо Қурбон ҳайити — бу умумхалқ байрами. Уни барчамиз хурсандчилик билан нишонлашимиз керак бўлади. Бугунги кунда эрталаб ҳайит намозини ўқувчилар учун масжидларда етарлича шароит яратилган.

Дини исломда бирор таълимот йўқки, инсон камолотига, инсон фойдасига қаратилмаган бўлсин. У доим одамларни иймонли бўлишга чақиради. Иймонли одамдан эса жиноятчи чиқмайди.

Бу йил Қурбон ҳайитининг бошқа қатор байрамлар билан қўшалоқ келишида ҳам бир ҳикмат бор, деб ўйлайман. Айниқса, Ғалаба байрамининг ҳайитга уланиб кетиши ҳаммамизга хурсандчилик бахш этмоқда. Ҳайит арафасида «Халқ сўзи» муштарийларига ва барча юртдошларимизга тилагимиз ушбудир: мамлакатимиз тинч ва барқарор бўлсин, юрт бошида турган раҳбарларимизга Оллоҳ сиҳат-саломатлик ато этсин. Ёшларимиз уруш кўрмасин, Ватан учун, унинг равнақ топиши учун қайғурсинлар, меҳнат қилсинлар. Зотан, сидқидилдан меҳнат қилиш ҳам Оллоҳга ибодат этиш билан баробардир. Оллоҳ мустақиллигимизни мустаҳкамлашга мадад берсин, халқимизнинг кўп ҳайит ва байрамларга етиб юришини насиб этсин.

# АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

**Ғалаба байрами муносабати билан Самарқанд тумани Гулобод қўрғонида бунёд этилган ёдгорликнинг очилишига бағишланган анжумандан репортаж**





Самарқанд туманида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни ривожлантириш борасида эришилаётган муваффақиятлар бутун республикага маълум. Бу ерда яшаб, меҳнат қилаётган заҳматкаш кишилар ўз юртларининг фидойиларидир. Улар амалга оширган эзгу ишлар салмоғи ойма-ой юксалиб бормоқда.

— Бунинг сабаби оддий, — дейди туман ҳокими Раҳима Ҳакимова. — Президент ва ҳукуматнинг фармон ва қарорларини ўз вақтида ижро этсанг бас.

Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида туман аҳли яна бир қутлуғ ишга қўл урди. Туман маркази — Гулобод қўрғонида бу ердан фронтга кетиб халок бўлганлар хотирасига ёдгорлик мажмуини тикладилар. Уруш йилларида тумандан 5 минг 300 нафар киши жанггоҳларга отланишди. Уларнинг 3 минг 643 нафарига ўзларининг қадрдон диёрига, оилалари бағрига қайтиш насиб этмади. Лекин бу азиз инсонларнинг фашизм вабосига қарши курашдаги жасорати, фидойилиги авлодлар хотирасида. Шу пайтга қадар ҳам туманнинг ўнлаб қишлоқларида уларни шарафлаб қатор ёдгорликлар тикланган эди.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланаётган шу кунларда туман марказида тикланган ёдгорлик мажмуи эса уларнинг сарвари бўлди, десак янглишмаймиз. Бундан икки йил аввал Гулобод қўрғонида Афғон урушида ҳалок бўлган туманнинг 25 нафар фарзанди шарафига хиёбон барпо этилган эди. 1941-45 йиллардаги уруш қурбонларига бағишлаб қурилган бу ёдгорлик ана шу хиёбон билан узвий боғланди.

Асосан ҳашар йўли билан қурилган бу ёдгорликни тиклаш учун бир ярим ой кифоя бўлди. Уни барпо этишда ҳар куни 200 га яқин одам меҳнат қилди. Тожикистон Республикасининг Панжакент тумани ҳамда «Самарқандмармар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Зарбанд мармар конидан бир неча тонна сифатли маҳсулот олиб келинди.

Ярим ой шаклида тикланган мажмуа узунлиги 58 метрга, катта ва иккита кичик миноралар узунлиги эса бир неча метрга етказилди. Ушбу ёдгорликни мажозий маънода «Хотира ансамбли» деб ҳам аташ мумкин. Мармарга Самарқанд туманидан урушга кетиб қайтмаган 3 минг 643 нафар кишининг исм ва фамилияси битилган. Ўртада гулхан ловуллайди. Гулхан қошида ҳали ҳам умидидан айрилмаган мотамсаро она «Фарзандим кириб келармикан?», деб остонада кутиб ўтирибди.

Ушбу ёдгорликни яхлит бир «асар» деб аташ мумкин. Уни кўрган ҳар қандай киши бир зум хаёлга толиши, аждодлари руҳи ҳақиҳурмати дуога қўл очиши тайин.

Ёдгорлик атрофида кўплаб фонус-чироқлар ўрнатилган. Чироқлар ҳам худди мажнунтоллардай қуйи қараб, бош эгиб турибди: онага сажда қилаётгандай...

7 май куни ана шу ёдгорлик мажмуини очишга бағишланган катта тантана бўлиб ўтди. Унга Самарқанд туманида истиқомат қилаётган 820 нафар уруш иштирокчиси таклиф этилди. Байрам муносабати билан ана шу ерда қарийб тўрт минг нафар кишига ошнон тортилди. Шунингдек, унга иштирок этиш учун вилоятнинг деярли барча туманларидан меҳмонлар таклиф этилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев ва таниқли шоир Хуршид Даврон сценарийси асосида намойиш этилган музикали композиция тўпланганлар қалбини ҳаяжонга солди. Ушбу саҳналарни ҳам яхлит бир «асар» дейиш мумкин. Уруш, урушдан кейинги давр ҳамда истиқлол — бугунги кунимизга уланиб кетган ушбу дастур қатнашчиларни ҳайратга солди, завқ-шавқ бағишлади. Шу куни Ғалаба байрами шарафига туманнинг олтита жойида катта-кичик ёдгорликлар очилди.

Тантаналарда Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов иштирок этди.

**И. ХУДОЁРОВ,**
**М. МУҚИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# БЕМОРЛАР... ТАЛАБА

Асли иштихонликман. Учинчи синфда ўқиётганимда бетоб бўлиб қолдим. Онам ҳамшира бўлганликлари боис, саломатлигимни тиклашим учун ҳаракат қилдилар. Мактабни тугаллагач, собиқ Иттифоқда ягона бўлган Намангандаги «Пахталик кўл» меҳнат даволаш сиҳатгоҳига йўлланма олдим. Бу сиҳатгоҳнинг афзаллиги шундаки, бемор даволаниш билан бирга касб-ҳунар ҳам ўрганиб кетади. Таҳсил олаётган табобат-ҳамширалик бўлимимизда фақат қизлар ўқишади. Ҳозиргача мазкур сиҳатгоҳда 2 мингдан зиёд беморлар даволаниб, касб-ҳунарли бўлишган. Турли соҳаларда ўқиётган бемор-талабалар ҳар куни тўрт маҳал иссиқ овқатдан ташқари стипендия билан ҳам таъминланадилар. Бизга соғлиғимизни тиклашда ва соҳа мутахассислигини эгаллашимизда билим тажрибасини аямаган сиҳатхона бош ҳакими Т. Аҳмедов, устозларимиз А. Какуриев, Х. Умаралиев, А. Юсупов, Н. Ботирова ва бошқалардан чексиз миннатдормиз.

**Ф. МЕЙЛИЕВА,**
**Наманган шаҳри,**
**«Пахталик кўл» сиҳатгоҳи қошидаги билим юрти толибаси.**

**Газетанинг навбатдаги сони 12 майда чиқади.**

# ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

***Уруш йилларида Янгийўл туманидаги Муқимий номли 17-мактабнинг собиқ ўқувчи ва ўқитувчиларидан 107 киши Ватан ҳимоясига отланди.***

— Уларнинг 50 нафаридан кўпроғи озодлик учун олиб борилган жангларда халок бўлдилар. Фронтдан қайтиб келганлар кўп йиллар давомида биз билан елкама-елка меҳнат қилдилар, — деди Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан учрашувга бағишланган йиғилишни очар экан мактаб директори Раҳимахон Қўчқорова. Сўнгра фашистлар билан бўлган жангларда шаҳид бўлганларнинг, урушдан кейин халқ хўжалигини ривожлантиришда иштирок этган фахрийларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди.

Учрашув иштирокчилари ҳамда ўқувчи-ёшларда жангчиларни ўзларининг куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари билан мардонавор курашга сафарбар қилган концерт бригада аъзолари — Ўзбекистон халқ артисти Коммуна ая Исмоилова, Ўғилой ая Машраббоева, Қумри ая Қодироваларнинг фронт хотиралари катта таассурот қолдирди. Айниқса, Коммуна Исмоилованинг афсонавий қўмондон К. К. Рокоссовский, ўзбек генерали Собир Раҳимов, жангчи қиз Зебо Ғаниева билан бўлган учрашув онлари ҳақидаги ҳикояси катта иштиёқ билан тингланди. Улар ижросидаги жанговар қўшиқлар олқишлар билан кутиб олинди.

Янгийўл туман ҳокимининг муовини К. Шукуров, туман фахрийлар кенгашининг раиси М. Эргашевлар бир гуруҳ фахрийларга «Ғалабанинг 50 йиллиги» юбилей нишонини топширди.

Учрашув сўнгида фахрийлар шарафига ош тортилди, ўтганлар ҳақига Қуръон тиловат этилди.

**Ю. БЕКМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Шаҳидларга — эҳтиром.
Ш. ИБРОҲИМОВ сурат-лавҳаси.

## УРУШ ФАХРИЙЛАРИ

Чойхона... Бир томонда чой ичмоқда кексалар,
Баъзисин бир қўли йўқ, баъзисин бир оёғи.
Ғолиблик гашти деймиз чақчақлашиб кулсалар,
Каравотда осиқлик бирин қўлтиқ таёғи.

Шуларга боқиб туриб, ғоят ғуссали йиллар —
Даҳшатли уруш изтиробларин эслайман.
Кўплар жангдан қайтмади, тул қолди кўп келинлар,
Қайтганлар ҳар касбда илғор бўлиб кексайган.

Қардош эллар сафида жангга кирди шулар ҳам,
Қанча муҳаббат гули очилмасдан эзилди.
Мина, бомбалар портлаб, ғалвир бўлди ҳар қадам,
Қанча-қанча кошона вайрон бўлди, бузилди.

Шу оталар эмасми қаҳратонда сув кечиб,
Келган бало-офатга қалқон этган кўксини.
Шу оталар маҳв этган қалхат келганда учиб,
Шулар мусаффо этган юрт осмони, кўкини.

Фронт орқасида ҳам ҳаёт бўлди кўп оғир,
Қайғу-фиғон келтирди баъзи уйга «Қора хат».
Ёвга қарши тобора ортиб элимиз қаҳри,
Етиштирди пахта, дон... сўраганча мамлакат.

Нияти пучга чиқиб, таслим бўлди олчоқ ёв,
Ғолибларнинг довруғи чулғаб олди дунёни.
Шу оталар кўтарган, қонга бўялган ялов
Ҳамон мағрур ҳилпираб таратмоқда зиёни.

У оловли йилларнинг ҳали кетмаган доғи,
Шифокорлар туфайли бу кексалар соғлиги.
Аммо булар мақтовин тамом бўлмас адоғи,
Шулар жасоратидан кўксимизнинг тоғлиги.

Шу оталар тутқазди ҳаёт эстафетасин,
Меҳр билан ўргатди кураш, ишлаш йўлини.
Биз шулардан ўрганиб, ўқиб шаънига таҳсин,
Яшнатмоқдамиз, дўстлар, Ватан — тинчлик элини.

**Тўра ЖУМАН.**
**Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Мироқи шаҳарчаси.**


МУҲТАРАМ ХОНИМ ВА ЖАНОБЛАР!

Pierre Cardin

**салони сизларни муборак Қурбон ҳайити байрами билан чин қалбдан табрик этади.**

**ГЎЗАЛЛИК БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИНГ.**

**Демир фирмаси.**

**Бизнинг янги манзилимиз:**
**Тошкент шаҳри,**
**"Халқлар дўстлиги"**
**метро бекати.**
**"Совғалар" дўконининг олдида жойлашган.**


# ДИҚҚАТ — ДИҚҚАТ!

*Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» хайрия жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими ходимлари барча уруш қатнашчиларини Ғалабанинг 50 йиллиги байрами билан самимий табриклайди. Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилайди.*

*«Наврўз» хайрия жамғармасининг «ТОШКЕНТ» хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи 1995 йил 12 майда Тошкент шаҳридаги «Баҳор» концерт залида соат 9.00 да бошланади. Унда иштирок этиб азиз меҳмонимиз бўлинг.*

*Тираждан олдин хайрия тадбири ўтказилади. Кириш бепул.*

*Хайрия лотереяларини сотиб олишга шошилинг, чунки ютуқлар тиражига жуда-жуда оз вақт қолди!*

***УШБУ ТИРАЖДА:*** *5 та 50 000 сўмлик*
*5 та 25 000 сўмлик*
*10 та 10 000 сўмлик*
*25 та 5 000 сўмлик*
*125 та 1 000 сўмлик*
*150 та 500 сўмлик*
***ва бошқа катта ютуқлар бор!***

***ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ «МЕҲРИГИЁ» ГАЗЕТАСИДА ЧОП ЭТИЛАДИ.***




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

· МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ў. Ҳайдаволов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0208 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.20. 1 2 3 4 5 6